

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“Ўзбек тилшунослиги” кафедраси

“Ҳозирги ўзбек тили” (Фонетика) фанидан

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

Жиззах - 2008

Аннотация

“Ҳозирги ўзбек тили” курси бўйича тузилган мазкур маъруза матнида ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларни ўзбек тилининг структуравий ва системавий хусусиятлари, тарихий илдишлари, диалектал асослари, фонетик, график ва орфографик тизимлари, адабий талаффуз меъёрлари, луғат бойлиги, луғат типлари ҳамда шу соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, билимлар сираси билан таништириш мақсад қилинди.

“ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ” ФАНИДАН МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

РЕЖА:

1. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» фанининг ўрганилиши хусусида.
2. Курснинг объекти, мақсади ва вазифалари.
3. Ҳозирги ўзбек адабий тили ўзбек миллий тилининг олий формаси эканлиги.
4. Ҳозирги ўзбек адабий тили тараққиётида оғзаки ва ёзма шакллари.
5. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» курсининг бўлимлари ҳақида қисқача маълумот.
6. Хулоса.

«Ҳозирги ўзбек адабий тили» курси педагогика олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси факультетларининг I курс талабалари учун мўлжалланган бўлиб, курснинг асосий вазифаси талабаларга ҳозирги ўзбек адабий тилининг фонетик ситемаси, орфоэпия, орфография, нутқнинг турли кўринишлари ва бошқа соҳаларни ўрганади.

Маълумки, ҳозирги даврда дунёда мавжуд тилларнинг ҳар бири ўз тарихи, тақдири, жамият ҳаётида тутган ўрни, мавқеи бор, албатта. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» курсида ўзбек адабий тилининг фонетикаси ва фонологияси бўлими масалалари режага мувофиқ равишда илмий тарзда баён этилади. Талабаларнинг ҳозирги ўзбек адабий тили фонетик тузилиши, нутқ товушларининг хусусияти ва уларнинг таснифи, тилнинг фонетик жараёнлари ҳақидаги билимлари мустаҳкамланади, уларнинг тилшунослик фани бўйича мустақил равишда илмий фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради.

Лингвистик адабиётларда ҳозирги ўзбек тили фонетик қурилиш ҳодисаларини баён қилишда ҳали ҳам хилма-хилликлар, турлича талқин қилиш ҳолатлари учраб туради.

Адабий тил умумхалқ тилининг ишланган сайқаллаштирилган ва маълум нормага солинган формасидир. Демак, ўзбек адабий тили ўзбек тилининг диалектлари, оддий сўзлашув тили ва

жаргонлардан томоман фарқланади, шу халқ вакиллари учун умумлиги билан характерланади.

Ўзбек миллий тили ҳозирги ўзбек миллатига мансуб бўлган ҳамма кишиларнинг умумий ва ягона тилидир. Бу тил ўзбек халқининг ўзаро алоқа ва фикр олишув қуроли, шу халқнинг ҳамма аъзолари учун умумий бўлган тилдир.

Ўзбек миллий тилининг шаклланиши ўзбек миллатининг шаклланиш жараёни билан боғлиқдир. Ўзбек миллати шаклланишга қадар у уруқ тили, қабила тили ва элат тили тарзида яшаб ривожланиб келган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг бойиши, ривожланиши ва мукаммалашувидан эски ўзбек адабий тили анъаналари, халқ тили, маҳаллий диалектлар ва халқ шеваларининг материаллари билан ўрганиб борадилар.

Ўзбек миллий тили кўп диалектли тиллардан ҳисобланади. Бу ҳол унинг ўзига хос мураккаб тарихий ривожланиш шароити ва ўзбек миллатининг ўтмишдаги хилма-хил этник тузилиши билан изоҳланади.

Ўзбек миллий тилининг учта катта ички манбаи – учта диалектлар группаси бор. булар:

- 1. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси***
- 2. Қипчоқ лаҳжаси***
- 3. Ўғуз лаҳжаси.***

2-МАВЗУ: ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ.

РЕЖА:

1. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг тарихий илдизлари ва диалектал асослари.
2. Адабий тилнинг тараққиёт босқичлари.
3. Адабий тилнинг тарихий илдизларини ўрганшнинг амалий аҳамияти.
4. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг қадимги туркий ва эски ўзбек адабий тилларидан фарқи.
5. Хулоса.

Адабий тил умумхалқ тилининг ишланган сайқаллаштирилган ва маълум нормага солинган формасидир. Демак ўзбек адабий тили ўзбек тилининг диалектлари, оддий сўзлашув тили ва жаргонлардан бутунлай фарқланувчи тилдир. Адабий тил ўзбек тили вакиллари учун умумийлиги билан характерланади.

Ўзбек адабий тилининг тарихи уч катта даврни ўз ичига олади:

1. Қадимги туркий адабий тил
2. Эски ўзбек адабий тил
3. Ҳозирги ўзбек адабий тил.

Қадимги туркий адабий тил X-XII асрларни ўз ичига олади. Ўзбек адабий тили дастлабки даврларда умумтурк адабий тили сифатида X-XI асрларда ташкил топган. Бу дастлаб А.Н.Самойловичнинг «Чиғатой» адабий тилида жўқчилик унсурлари» номли ишида баён қилинган. Буф икр «Қутадғу билиш», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Девону луғатит турк» каби асарларда ҳам тасдиқланади.

Эски ўзбек тили XIII-XV асрларда шаклланган бўлиб, у инқилоб арафаларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр адабий тилининг шаклланишида Алишер Навоийнинг роли каттадир. У ўзининг жаҳонга машҳур бўлган асарлари билан ўзбек адабий тилни ҳар жиҳатдан асослаб берди. А.Навоий ўзининг «Муҳокаматул луғатайн» асари билан эски ўзбек адабий тилини ўша даврдаги ҳолатини ва истиқболини амалда биринчи бўлиб, илмий асосда белгилаб берди.

Эски ўзбек адабий тили, асосан XIII асрдаёқ шаклланиб улгурган эди. Бу давр адабий тили кўп жиҳатдан ўзининг халқ тилига яқинлиги билан кўпгина олимларнинг эътиборини ўзига тортган. Дарҳақиқат, XIII-XIV асрларда яратилган баъзи адабий ёдгорликларининг тили (жумладан, Лутфий, Атоий, Дурбек, Хоразмий асарларининг тили) Алишер Навоий асарларининг тилига нисбатан ҳозирги ўзбек адабий тили ва алқ жонли тилига баъзи ҳолларда анча яқин туриши ва тушунилишининг бирмунча енгиллиги билан характерланади.

Ҳозирги ўзбек адабий тили — ўзбек миллатининг миллий адабий тилидир.

Маълумки тилдаги ўзгаришлар тўсатдан бўлмай, балки аста-секинлик билан юз беради. Бунда, шубҳасиз, баъзи сўзлар архаиклашиб, истеъмолдан чиқа боради. Аммо тил ҳодисалари вақт ва тарих синовларига жуда катта бардоли бўлади. Фақат жуда катта ижтимоий ҳодисалар содир бўлгандагина тилда ҳам ўзгаришлар юз беради.

3-МАВЗУ: ФОНЕТИКА. УНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

1. Фонетика ҳақида маълумот.
2. Фонетика ва фонология ҳақида тушунча.
3. Фонетиканинг мақсад ва вазифалари.
4. Хулоса

Фонетика юнонча сўз бўлиб тилшуносликнинг товушлар тузилиши тўғрисидаги бўлимдир. Фонетика бирор тилдаги нутқ товушларини, унли ва ундошларни, уларни пайдо бўлиш, ривожланиш қонуниятларини, бир-биридан фарқларини ўрганади, комбинатор, позицион ўзгаришлар ва уларнинг вариантлари ҳақида баҳс этади. Шунингдек, у нутқ аппарати, бўғин ва уларнинг тузилишини ҳам ўрганади. Шу айтиш лозимки, фонетика табиатдаги ҳар қандай товушларни эамс, балки нутқ товушларини ўрганади. Шунда у нутқ товушларини асосий қисмини қамраб олади. Табиатдаги бошқа товушларни физика фанининг акустика қисми текширади.

XX аср бошларигача тилнинг товуш тузилиши ургу ва оҳанг хусусиятлари, асосан фонетика бобида ўрганилар эди.

Тузилиш тилшуносликнинг шаклланиши натижасида фонетика билан фонология фани фарқлана бошланади. Фонетикада ҳам, фонологияда ҳам моддий (материал) томони – ифода режаси ўрганилади. Лекин улар тилнинг фонетик бирликлари - товушлар, ургу ва оҳангни қайси жиҳатдан ўрганилиши билан бир-биридан фарқ қилади. Фонетикада товушларнинг акустик-артикуляцион, яъни ҳосил бўли шва таффуз каби физиологик хусусиятлари ургу ва оҳангнинг моддий белгилари, микдори, кучи, томушларнинг ўзаро таъсир асосида ўзгаришлари ўрганилса, фонологияда товуш, ургу ва оҳангнинг ижтимоий вазифаси-маъно фарқлаш хусусияти ўрганилади. Шунинг учун фонетик ҳодисаларни микдорий кўрсаткичлар билан асбоб-учкуналар воситасида ўрганиш ва кўрсатиш мумкин. Фонологик ҳодиса ва хусусиятлар эса тил системасидаги элементларни ўзаро қиёслаш асосида очилади. Тилда фонологик қимматга эга бўлган ҳар бир ҳодиса албатта, маълум бир ижтимоий қимматга эга бўлиши лозим. Масалан: ўзбек тилидаги **қир** ва **қир** сўзларида маъно **к** ва **қ** товушлари воситасида фарқланади. Демак, ўзбек тилидаги **к** ва **қ** орасида фонологик фарқ мавжуд. Товушларнинг маъно фарқлашга

хизмат қилувчи белгилари асосида қарама-қарши қўйилиши фонологик зиддият дейилади.

Товушлар орасида маъно фарқлашга хизмат қилувчи фонологик фарқлар билан бирга маъно фарқлашга хизмат қилмайдиган, товушларнинг нутқдаги ўрни қандай товушлар билан ёнма-ён келиши, урғусиз ва урғули бўғинда бўлиши билан боғлиқ. Талаффуз фарқлари ҳам бор. Чунончи, **қир** сўзида и товуши **к** нинг таъсирида юмшоқ, **қир** сўзида эса қ нинг таъсирида қаттиқ талаффуз этилади.

Товушлар орасидаги фонетик ва фонологик фарқни аниқлаб олиш тарихий фонетикани ўрганишда жуда муҳимдир, чунки тарихий тараққиёт натижасида мустақил фонемалар орасидаги фонологик фарқлар йўқолиб, улар бир фонеманинг кўринишларига айланиши ёуи аксинчи даражасига кўтарилиши, тарихий фонетик кўринишлар мустақил фонемаларга айланиши мумкин. Тарихий фонетика ҳозирги ўзбек шевалари хусусиятларини тўғри изоҳлашда ва диалектал шева таъсири хатоларини бартараф этишнинг қулай усулларини ишлаб чиқишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Хатоларнинг келиб чиқиш сабабини билиш уларнинг бартараф этиш усулларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Фонетика адабий талаффуз нормаларини, товушларнинг ўзгариши, алмашинини, урғу ва унинг турларини ҳам ўрганади. Чунки нутқ товушларининг асосий вазифаси маънони фарқлаш бўлиб, бу ҳодиса аввало, сўзларда юзага чиқади. Бу ҳол лексикологияда ҳам, грамматикада ҳам ҳар қайсиси ўз йўли билан ўрганилади.

Фонетикани ўрганиш орфография, орфоэпия нормаларини яхши ўзлаштириб олишга, адабий талаффуз билан шевалар талаффузи ўртасидаги фарқни аниқлашга ёрдам беради.

Демак фонетика тилшуносликнинг орфография, орфоэпия, фонология, лексикология каби бўлимлари билан бевосита алоқадордир.

Фонетика физика ва физиология фанлари билан ҳам яқин муносабатдадир.

Фонетика товушларнинг эшитилиш томонини ўрганишда акустикага, талаффуз қилиниши, айтилиш, ҳосил қилиниш томонларини ўрганишда физиологияга таяниб иш кўради.

Бундан ташқари, у адабиётшунослик ва ижтимоий фанлар билан ҳам алоқада бўлиб туради.

4-МАВЗУ: ТОВУШ, ФОНЕМА, ҲАРФ ВА УНИНГ ВАРИАНТЛАРИ ҲАҚИДА.

РЕЖА:

1. Товуш ҳақида тушунча.
2. Фонема ҳақида маълумот.
3. Ҳарф ҳақида тушунча.

Товуш, фонема, ҳарф ва уларнинг бир-биридан фарқи ҳамда уларнинг вариантлари.

Ҳавонинг тўлқинланишидан товуш ҳосил бўлади. Бирор жисмнинг тебраниши ҳавони тўлқинлантиради ва товуш ҳосил бўлади. Бундай товушлар физик товушлар дейилади. Нутқ товушлари уларга бевосита боғланиб, ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг товуш пайчаларини тебрантириб ўтиши нутқ органларининг талаффуз жараёнидаги фаолияти натижасида юзага келади. Нутқ товушларнинг табиатдаги бошқа товушлардан фарқи уларни кишилар ўртасида нутқий алоқа қилиш воситаси бўлиб хизмат қилишидадир. Демак, нутқ товушлари маъно ажратишга ҳам хизмат қилади. Уларнинг моҳияти ва асосий қиммати ҳам ана шундадир. Товуш билан ҳарф бевосита фарқланмоғи лозим. Улар бир хил ҳодиса эмас. Ҳарф товушга ўз ижтимоий хизмати билан тенг кела олмайди. Биринчидан, ҳарф товушнинг ёзувдаги шартли белгиси. Иккинчидан, товушнинг хизмат доираси ҳарфнинг хизмат доирасига нисбатан жуда кенгдир. Товуш ҳарфга нисбатан бўёқдор хусусиятга эга. Ҳарф товушдаги бу бўёқдорликнинг ҳаммасини эмас, маълум бир қисмини шартли равишда акс эттира олади. Масалан: борди, келди, кетди, иш, киш каби сўзларнинг ҳаммасида и товуши иштирок этади. Аммо булардаги и товуши айнан бир хилда эмас, балки маълум даражада бир-биридан фарқли равишда эшитилади. Бироқ у ёзувда фақат битта ҳарф ёки белги билан ифодаланади. Учинчидан, ҳарф ёзув бирлиги, товуш эса тил бирлигидир. Сўз тилнинг асосий бирлиги, нутқ товушлари эса тилнинг энг кичик бўлагидир. Улар шу нуктаи-назардан 2 га бўлинади. Сўз маъноларини фарқлаш учун хизмат қиладиган нутқ товушлари фонема дейилади. Фонема нутқ товушларининг асосий қисми ёки асосий типидир. Демак, фонема табиатда учрайдиган ҳар қандай товуш эмас, балки аҳамиятга эга бўлган инсон товушидир. *Масалан: гул, гўл, гил, гел* каби сўзларда фақат *у,ў, и,е* товушлари унли товушларга кўра маъно жиҳатидан фарқланади. *Тош, тоқ, тол, тор, ток* каби сўзларда эса *ш, қ, л, р, к* каби ундошларга кўра маъно фарқланади. Нутқ товушларининг маъно ажратиш учун хизмат қилмайдиган қисми фонеманинг

вариантлари ҳисобланади. Фонеманинг вариантлари унинг 3 томони асосида кўринади: **1) акустик-эшитиш томони; 2) физиологик ва артекуляцион –айтилиши ва талаффузи; 3) маъно ажратиш томони.** Булар орасида 3 инчиси –маъно ажратиш томони ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу белги бўлмаса товуш фонема ҳисобланмайди. Фонемалардан уларнинг вариантларини фарқламоқ зарур. Фонема вариантлари ёндош товушлар таъсирида пайдо бўлади ва улар турлича талаффуз қилинади. Масалан: баъзан оғзаки нутқда **ф** товуши ўрнида **п** товуши ишлатилади. Аммо **ф** нинг **п** тарзида талаффуз қилиниши янги фонема тушунилмайди. Чунки бу билан сўз маъноси ўзгармайди. Бундай товуш ўзгариши позицион ёки комбинатор ўзгариш дейилади. Ўзбек ёзуви адабиёти тилида **ў** фонемасининг 2 та варианты мавжуд: бири тил олди варианты бўлиб, **ўрдақ, ўрик** сўзларида қўлланилади. 2-си тил орқа варианты бўлиб, **кўнгил, кўйлак, ўгил** сўзларида қўлланилади. Шунингдек, **и, у** товушларининг ҳам камида 2 та варианты бўлиб, улар ҳам тил олди ва тил орқа вариантларидир. У фонеманинг тил олди варианты: **ўзум, ўзук, кўл**, тил орқа вариантлари эса: **ўзоқ, ўлоқ, кўлоқ** каби сўзларда учрайди. Аслида бу товушларнинг ҳар бири бир мустақил фонемалардан иборат бўлади. Сўздаги ён товушлар таъсирида ҳосил бўладиган товуш ўзгаришлари товушларнинг комбинатор вариантлари дейилади. Унли фонемаларнинг комбинатор вариантлари унлилар тузилишида, ундош фонемаларнинг комбинатор вариантларида эса ундошлар тузилиши ўрганилади. Ёзувда адабий тилда фонеманинг варианты сифатида қўлланилувчи айрим товушлар шу тилнинг айрим диалект ва шеваларида мустақил фонема сифатида қўлланилиши мумкин. Чунки айрим товушларнинг ҳар икки варианты ҳам шеваларда бевосита қўлланиши ва баъзан маъно ажратиш учун ҳам ишлатилиши мумкин. Чунки улар ҳар хил позицияда келганда ҳам, бир хил позицияда ишлатилганда ҳам тил олди ва тил орқа шаклида талаффуз қилинади ва 2 хил эшитилади. Ўт сўзи тил олдида талаффуз қилинганда буйруқ феъли одам ички организмдан бирининг номи ифодаланади. Тил орқа шаклида талаффуз қилганимизда эса **майса, олов** шаклларида ифодаланади. Товуш, фонема, ҳарфнинг бир-биридан фарқи шундаки, биз товушни айтамыз, эштамыз, талаффуз қиламыз, ҳарфни эса кўрамыз, ёзамиз, ўқиймиз. Фонеманинг бу иккаласидан ҳам фарқи шундаки, фонема сўз маъноларини фарқлашда жуда катта хизмат қилади. **Масалан: бош, бол, бор, боғ, бот, бос** каби сўзларда кўриш мумкин бўлади.

5-МАВЗУ: АКУСТИКА, НУТҚ ОРГАНЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ.

РЕЖА:

1. Фонетика ҳақида маълумот.
2. Фонетик акустика ҳақида тушунча.
3. Нутқ органлари.
4. Нутқ аппарат ҳақида умумий маълумот.

Адабиётлар.

- 1.М.Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов «Ўзбек тили» 1966 й.
- 2.У.Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев «Ҳозирги ўзбек адабий тили 1975й.

Фонетика тилшуносликнинг нутқ товушларини ўрганадиган бўлимидир. Ўзбек тили фонетикаси шу тилдаги товушлар системасини, уларнинг ҳосил бўлишини, товуш ўзгаришларини, сўзларни ажратишдаги ролини текширади. Фонетика юнонча сўздан олинган бўлиб, тилшуносликнинг товушлар тузилиши тўғрисидаги бўлимидир. Фонетика нутқ аппарати, бўғин ва уларнинг тузилишини ҳам текширади. Фонетика табиатдаги ҳар қандай товушларни эмас, балки нутқ товушларини ўрганади. Табиатдаги бошқа товушларни эса физика фанининг акустика бўлими ўрганади. Акустик (эшитиш) томондан товуш бирор жисмнинг бошқа бир жисм таъсирида тебраниши ва бу тебранишнинг кулоққа эшитилишидир. Жисмнинг тебраниши ҳавони тўлқинлантиради, натижада товуш ҳосил бўлади. Акустик жиҳатдан товушнинг баландлиги, кучи, тембри ва чўзиқлиги фарқланади. Товушнинг баландлиги тебранишнинг миқдорига боғлиқ: тебраниш қанча кўп бўлса, товуш ҳам шунчалик баланд бўлади ва аксинча тебраниш оз бўлса, товуш ҳам паст бўлади. Нутқ товушларининг кучи тебранишнинг шиддатига боғлиқдир. Тебраниш қанчалик катта бўлса, товуш ҳам шунчалик кучли чиқади. Нутқ товушининг тембри (сифати) асосий тон билан ёрдамчи тонларнинг (обертон, резонатор тонлари) ва шовқиннинг кўшилишидан ҳосил бўлади. Товушнинг чўзиқлик даражаси тебраниш давом этган вақт билан боғланади. Баъзи тилларда, чунончи, туркман тилида мавжуд қисқа ва узун у-у:, а-а:,о-о:, и-и:

унлилари тебранишнинг қисқа ва узоқроқ вақт ичида давом этгани билан изоҳланади.

Нутқ товушларининг ҳосил бўлишида иштирок этувчи органлар нутқ органлари дейилади. Бу органларнинг жами эса нутқ аппарати дейилади.

Нутқ аппарати қўйидаги қисмларга бўлинади:

1. **Нафас аппарати**. Бунга ўпка, бир жуфт бронхлар ва нафас йўли ёки трахея киради.

2. **Бўғиз бўшлиғи**. Бунга ҳалқасимон, пирамидасимон, қалқонсимон тоғайлар ва ун пайчалари киради.

3. **Оғиз бўшлиғи**. Бунга тил, танглай, кичик тил, лабва тишлар киради.

4. **Бурун бўшлиғи**.

Тил, лаблар, юмшоқ танглай, кичик тил, ун пайчалари актив органлар; тиш, қаттиқ танглай, бурун бўшлиғи пассив органлар саналади.

Нутқ органларининг товуш ҳосил қилиш пайтидаги ҳаракати ва ҳолати артикуляция дейилади. Артикуляцияда 2 нарсга фарқ қилинади: артикуляция ўрни ва артикуляция усули. У ёки бу нутқ органининг товуш ҳосил қилишда актив қатнашган қисми артикуляция ўрни бўлади. **Масалан:** тилнинг олди қисми олдинги тиш ва милка тегиши ёки яқинлашиши билан **т, д, з, ж, ш** каби товушлар пайдо бўлади, бундай товушларнинг артикуляция ўрни тил олдида. Товуш ҳосил бўлиш пайтида икки органнинг бири-бирига жипслашиши ёки жипслашмай, орада ҳавонинг ўтиб кетиши учун бўшлиқ қолиши артикуляция усули дейилади. **Масалан: б, п** товушлари айтилганда лаблар жипслашади ва оғиздан чиқадиган ҳаво тўсиққа учрайди, сўнгра зарб билан портлаб чиқади; аксинча, **ф** товуши айтилганда пастки лаб устки тишларга салгина тегиб, икки орадан ҳаво сирғалиб ўтади. Нутқ товушларини ҳосил қилувчи восита ўпкадан нафас йўли орқали чиқиб, аввал бўғизга ва ундан оғиз бўшлиғига, баъзан бурун бўшлиғига ўтадиган ҳаво оқимидир. Ўпка нутқ товушларини талаффуз этиш учун зарур бўлган ҳаво оқимининг манбаидир. Бўғиз овоз (ун) манбаидир. Бўғизда кўндаланг жойлашган эластик, юпка ун пайчалари мавжуд бўлиб, сўзлаш пайтида ўпкадан чиқадиган ҳавонинг кучи билан титрайди ва овоз ҳосил бўлади. Унлилар, сонор ва жарангли ундошлардаги овоз ана шу ун пайчаларининг бўғиз бўшлиғида тебраниши натижасидир.

6-МАВЗУ: УНЛИ ВА УНДОШ ТОВУШЛАР ҲАҚИДА.

РЕЖА:

1. Унли товушлар ҳақида тушунча.
2. Ундош товушлар ҳақида тушунча.
3. Унли ва ундош товушларнинг бир-биридан фарқи.

Ўзбек тилида нутқ товушлари 2 га бўлинади: унли ва ундош товушлар. Унли товушлар ҳоисл бўлишида оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан ҳосил бўлади. Ундош товушлар эса ҳосил бўлишида оғиз бўшлиғида турли хил шовқинларга дуч келади ва натижада шовқиндан иборат бўлади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида 6 та унли товушлар мавжуд бўлиб, булар қўйидагилардир: а, о, и, э, у, ў. Унли фонемалар уч томондан тасниф қилинади:

1. Тилнинг горизонтал ҳолатига кўра;
2. Тилнинг вертикал ҳолатига кўра;
3. Лабларнинг иштирокига кўра.

Тилнинг горизонтал ҳолатига кўра унлилар 2 гуруҳга бўлинади: а) тил олди ёки олди қатор унлилар: и, э, а; б) тил орқа ёки орқа қатор унлилар: о, у, ў.

Тилнинг вертикал ҳолатига кўра ва оғизнинг очилиш даражасига кўра унлилар 3 гуруҳга ажралади: а) юқори тор унлилар: и, у; б) ўрта кенг унлилар: э, ў; в) қуйи кенг унлилар: а, о.

Лабларнинг иштирокига кўра унлилар 2 га бўлинади: а) лабланган унлилар: у, ў, о; б) лабланмаган унлилар: и, э, а.

И ва у товушларини талаффуз қилганимизда тил танглайга томон баланд кўтарилади ва танглай билан тил орасида торгина бўшлиқ қолади, шунинг учун ҳам и ва у товушлари тор унлилар дейилади. Э унлиси –ўрта кенг товуш; тил олди, лабланмаган товуш. А унлиси тил олди, кенг, лабланмаган товушдир. Бу унли ҳам сўздаги ўрнига қараб талаффуз қилинади. О унлиси кенг, тил орқа, лабланган товушдир: ов, ота, оз. Ў унлиси ўрта кенг, тил орқа, лабланган товушдир. Бу унли худди э унлиси каби содда сўзларнинг биринчи бўғинида учрайди: ўғил, бўри, ўрин, бўйин.

Ундош товушлар қўйидагича тасниф қилинади:

1. Ҳосил бўлиш ўрнига кўра.
2. Ҳосил бўлиш усулига кўра.
3. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра.

Ҳосил бўлиш усулига кўра ундошлар 3 асосий гуруҳга бўлинади: а) лаб ундошлар; б) тил ундошлар; в) бўғиз ундоши.

Лаб ундошлари 2 кўринишда бўлади: 1) *лаб-лаб ундошлари (б,п,в,м) икки лаб орасида пайдо бўлади;* 2) *лаб-тиш ундоши (ф,в) настки лаб билан устки тишлар орасида ҳосил бўлади.*

Тил ундошлар 4 га бўлинади: 1) *тил олди ундошлари (т,н, д, р, л, с, ч, ш, ж,ц);* 2) *тил ўрта ундоши (й);* 3) *тил орқа ундошлари (к,г,нг);* 4) *чуқур тил орқа ундошлари (қ,ғ,х).*

Ҳосил бўлиш усулига кўра ундош товушлар 3 га бўлинади: а) портловчилар; б) сирғалувчилар; в) портловчи-сирғалувчилар. Портловчи ундошлар артикуляция қилувчи 2 органнинг ўзаро жипслашуви ва ўпкадан чиқадиган ҳавонинг маълум зарб билан портлаб ўтишидан ҳосил бўлади. Булар: б, п, д, т, к, г, қ. Ундошлардан ч, ц ҳам портловчилар гуруҳига киради, аммо булар қоришиқ портловчилар дейилади. Сирғалувчилар артикуляция қилувчи 2 органнинг жипслашмай, фақат бир қадар яқинлашиши ва ҳаво оқимининг 2 орган орасидан ишқаланиб-сирғалиб чиқиши билан ҳосил бўлади. Булар: в, ф, с, з, ш, ж, х, г, ғ, м, н, нг, л, р ундошларини талаффуз қилиш чоғида ҳам портловчиларга хос бўлган 2 органнинг жипслашуви, ҳам сирғалувчига хос бўлган очиклик (бурун йўли очиклиги) иштирок этади. Шунинг учун улар портловчи-сирғалувчилар дейилади.

Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра ўзбек тили ундошлари дастлаб 2 га бўлинади: 1) сонорлар; 2) шовқинлилар.

Сонор ундошлар—м,н,нг,л,р ни талаффуз қилганимизда ун пайчалари актив иштирок этади, яъни пайчалар титраб, овоз ҳосил қилади. Шовқинли ундошлар ун пайчаларининг иштирокига кўра 2 га бўлинади: жарангли ва жарангсиз ундошлар

Жарангли ундошларга қўйидагилар киради: б, в, д, з, ж, ц, г, ғ, й.

Жарангсиз ундошларга қўйидагилар киради: п, ф, т, с, ш, ч, к, х, Ҳ, қ.

7-МАВЗУ: УНДОШ ТОВУШЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

РЕЖА:

1. Артикуляция (ҳосил бўлиш) ўрнига кўра ундошлар
2. Артикуляция (ҳосил бўлиш) ўрнига кўра ундошлар
3. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра ундошлар

Ўзбек адабий тили ундошлар системасида 25 ундош фонема бор: б, в, г, д, з, ж, дж, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ, нг.

Ундошларнинг умумий бўлинишини кўрсатувчи томонлар асосон тўрттадир.

1. Ундошларнинг пайдо бўлиш ўрнига кўра хусусиятлари.
2. Айтилиш усулига кўра бўлиниши.
3. Товуш пайчаларининг иштирокига кўра бўлиниши.
4. Составига кўра бўлиниши.

I. Пайдо бўлиш ўрнига кўра ундошлар бир неча группаларга бўлинади: 1. лаб ундошлари; 2. тил ёки тил-тиш ундошлари; 3. бўғин товуши.

1. Лаб ундошларини ҳосил қилишда лаблар билан ёки тишларга жипслашувига ёки яқинлашувига кўра лаб ундошлари иккига бўлинади: лаб-лаб ундошлари: **б, м, н**, лаб-тиш ундошлари: **ф, в**.

2. Тил ёки тил-тиш ундошлари уч хил бўлади:

а) тил олди ундошлари тилнинг олд қисми юқори тиш ёки милкка томон ҳаракат қилиши натижасида пайдо бўлади: **т, д, с, з, ш, ж, ж(дж), ч, н, л, р** ундошлари;

б) тил ўрта ундошини ҳосил қилишда тилнинг ўрта қисми танглайга яқинлашади; **й** ундоши.

в) тил орқа ундошлари тилнинг орқа қисмининг юмшоқ танлайга жипслашиши ёки яқинлашиши натижасида ҳосил бўлади. Бу ундошлар ўз икки хил: яқин тил орқа: **к, ғ, н, нг** ундошлари; чуқур тил орқа **қ, ғ, х** ундошлари.

3. Бўғин товуши ҳ. Бу ундош товуш бўғиз бўшлиғида ҳосил бўлади.

II. Айтилиш усулига кўра ундошлар: *1. портловчи,*

2.

1. Баъзи ундошлар талаффузида ҳаво йўли бирданига тўсилиб бирданига очилиши натижасида “портлаш” юз беради. Бу ундошларнинг талаффузида тилнинг учи юёри тишнинг милкига бориб тегиши ёки икки лабнинг бир-бирига ёпишуви натижасида ҳаво йўли беркилиб қолади, тўсик ҳосил бўлади. Ўпкадан келган ҳавонинг кучи тўсикни бирданига очиши натижасида “портлаш” юз беради ва портловчи товушлар ҳосил бўлади: **т, д, н, б, к, қ, ч, ж(дж), г, ц, м, н, нг** каби.

Булардан: а) **т, д** товушлари тил учининг милка ёки танглайнинг олд қисмига тақлиши натижасида; б) **н, б** товушлари икки лабнинг бекилиши натижасида; в) **к, г**, ва **қ** товушлари эса тил орқа қисмининг танглай билан ёки юмшоқ танглай билан тақалишидан ҳосил бўлган беркилишларнинг бирданига очилиши натижасида ҳосил бўлади.

2. Сирғалувчи товушларни талаффуз қилганда нутқ органлари ҳаво йўлини тўсади-ю, лкин орада қолган кичики тирқишдан ҳаво сиқилиб сирғаниб чиқади. **с, з** фонемларини талаффуз қилганда шундай ҳолат содир бўлади. Натижада сирғалувчи товушлар ҳосил бўлади: **в, т, з, ш, ж, х, г, ф, й.**

III. Товуш пайчаларининг иштирокига кўра ундошлар иккига бўлинади:

1. жарангли ундошлар: **б, в, з, д, ж, дж, г, -, й, м, н**

2. жарангсиз ундошлар: **п, ф, с, т, ш, ч, ц, к, қ, х, ҳ.**

Ундошларнинг жарангли ва жарангсизларга ажратишнинг сабаби шуки, жаранглиларни талаффуз қилганди, товуш пайчалари иштирок қилиб, таранглашади (тортилади) ва улар орасидаги тор ораликдан ўтаётган ҳаво оқими товуш пайчаларини титратиб ўтади. Жарангсизларни талаффуз қилганда эса (уларда овоздорлик сезилмайди, чунки улар фақат шовқиндан иборат) товуш пайчалари таранглашмайди ва улар орасидан ўтаётган ҳаво оқими товуш пайчаларини титратмай ўтади. Жаранглиларни талаффуз қилишда овоз ҳам иштирок этади. Шу сабабдан энг овоздор ундошлардан бўлган сонорлар ҳам жаранглиларга қўшилади. Жарангсиз ундошларда эса овоз иштирок этмайди, улар фақат шовқиндан иборат бўлади.

Жарангли ва жарангсиз ундошларни бир-биридан фарқлашда учта асосий йўл бор:

1) Жарангли ундошлар жарангсиз ундошлардан эшитилишига қараб фарқланади. Жаранглиларни талаффуз қилганда жаранглашиш сезилади. Шовқинли ундошга овоз (ун) қўшилади лекин овоз миқдори шовқинга нисбатан камроқ бўлади. Жарангсизларни талаффуз қилганда эса уларда овоздорлик сезилмайди, чунки улар фақат шовқиндан иборат бўлади.

2) Жарангли ундошларни жарангсизлардан фарқ қилиш учун қуйидагича тажрибадан фойдаланиш мумкин: кўрсаткич бармоқнинг учи томоқдан товуш пайчаларига аста қўйиб турилади ва ундошлар соф ҳолда талаффуз қилинади. Бунда жаранглилар талаффузи вақтида товуш пайчалари

таранглашиб (тортилади) ҳаракатга келганини (титраганлигини) сезиш мумкин. Жарангсизларни талаффуз қилганда бундай ҳол бз бермайди.

3) Жаранглиларни жарангсизлардан фарқлаш учун икки қўлнинг кафти билан кулоқларни беркитиб, ундошларни соф ҳолда талаффуз қилиш керак. Ана шунда жарангли ундошлар талафузида жарангдорлик, жарангсиз ундошлар талаффузида жарангдорлик, жарангсиз ундошлар талаффузида эса шовқин эшитилади.

IV. Овознинг иштирокига кўра ундошлар сонорлар ва шовқинлиларга бўлинади.

Сонорларда овоз анча кўп бўлади. Шунинг учун ам улар ундошлар ичида овозлироқ бўлиб, унлиларга яқин туради. Лекин қисман шовқин иштирок этгани учун сонорлар ундош ҳисобланади. Ўзбек тилида сонорлар берша: *м, н, нг (н), л, р*. Қолган ундошларнинг ҳаммаси шовқинлилар ҳисобланади. Демак, шовқинлилар қаторига жарангсизлар ва сонор бўлмаган жаранглилар ҳам киради. Бошқача айтганда, жаранглиларнинг энг овоздори, яъни 5 таси сонор бўлиб, қолган қисми жарангсизлар билан қўшилган ҳолда шовқинлиларни ташкил қилади.

V. Составига кўра ундошлар соф ва қоришиқ бўлади. Ўзбек тилида учта қоришиқ ундош бор. Шулардан *ч* ва *ж(дж)* ўзбек тилининг ўз қадимий қоришиқ товушларидан бўлиб *ц* товуши эса ўзбек тилига кейинга вафтларга рус тилидан ўзлашган.

Бу ундошлар қоришиқ деб аталишига сабаб шуки, улар тарихан икки товушнинг бирикувидан иборат бўлиб, бир портловчи ва бир сирғалувчи товушни ўз ичига олади. Демак, у нутқ органларининг асосан бир ерида пайдо бўлган, ажратилмай айтиладиган товушни билдиради. Кейинга пайтда улар бир қўшалов товушга айланиб кетган.

Юқорида айтилганидек ўзбек тилида пайдо бўлиш усулига кўра, бурун, ён ва тироқ ундошлари ҳам ажратилади.

Бурун товушлари *м, н, нг(н)*. Бу товушлар ҳаво оқимидан бир қисмининг талаффуз вақтида бурун бўшлиғидан эркин ўтиши натижасида ҳосил бўлади.

Ён товуш: *л*. Бу товуш ҳаво оқими тилнинг икки ёнидан ўтиши натижасида ҳосил бўлади.

Титроқ товуш: *р*. Бу товуш тил учининг қатттиқ танглайга тегар-тегмас титраб туриши натижасида ҳосил бўлади.

8-МАВЗУ: ОРФОГРАФИЯ ВА УНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ.

РЕЖА:

1. Орфография ҳақида умумий тушунча.
2. Ўзбек орфографиясининг асосий принциплари ҳақида:
 - а) фонетик принцип;
 - б) морфологик принцип;
 - в) тарихий-традицион принцип;
 - г) дифференциал принцип;
 - д) тасвирий-этимологик принцип.
3. Хулоса.

Ҳар бир юксак маданиятли киши тўғри ёза билиши ва тўғри сўзлай олиши керак. Бу талаб бўлғуси педагоглар ва филологлар учун айниқса қатъи қўйилади. Чунки улар келажак авлодга умумий саводхонлик ва нутқ маданияти тўғрисида сабоқ беради.

Нутқнинг оғзаки ва ёзма формалари мавжуд. Булар техник жиҳати, талаффуз ва таъсир этиш хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Нутқнинг ана шундай кўринишларидан бири – ёзма нутқ орфография билан бевосита ва узвий боғлиқдир. Нутқнинг бу кўриниши ягона тарзда ёзишнинг маълум илмий ва объектив қоида-қонунлар тузилиши бўлган орфография ва унинг принципларига асосланади.

Орфография сўзи грекча *orfhos* ва *grapho* сўзларидан ташкил топган бўлиб, «тўғри ёзаман» деган маънони англатади. Хуллас, орфография адабий тилнинг ёзув формаси билан алоқадор бўлиб, у тўғри ёзиш қоидалари тўғрисидаги фандир. Сўзнинг ўзаклари ва унга қўшиладиган аффиксларнинг, қисқартма отларнинг тўғри ёзилишини, қўшма, жуфт ва такрорий сўзларнинг қўшиб ёки ажратиб ёзилишини, бош ҳарфлар ва уларни ишлатиш ўринлари, бўғин кўчириш қоидаларини ўргатувчи, ҳамда улар ҳақида батафсил маълумот берувчи фан орфографиядир. Орфография адабий тилнинг талаффузини ўрганувчи орфоэпия билан ва алфавит билан узвий боғлиқдир. Ўзбек орфографиясида ҳали анчагина камчиликлар бор. Буларга сабаб, бир томондан, ўзбек алфавитида йўл қўйилган камчиликлар бўлса, иккинчидан, орфографиянинг ўз принципларининг, хусусан, унинг фонетик принципининг ва қўшма сўзлар имлосининг бўш ишлаганлигидир.

Ҳозирги ўзбек орфографиясида қуйидаги принциплар мавжуд.

1. Фонетик принцип.
2. Морфологик принцип.
3. Тарихий-традицион принцип
4. Дифференциал принцип
5. Тасвирий-этимологик принцип.

Ҳозирги ўзбек орфографиясида бу принциплар ўзаро боғлиқ бўлиб, ўз навбатида, уларнинг ҳар бирининг ўз ўрни ва аҳамияти бор.

Фонетик принцип

Шевалар ва айрим шахсларнинг нуткидаги хилма-хилликни ҳисобга олмаганда ҳам оғзаки нутқ товушларнинг бир-бирига таъсир қилиши натижасида сўз таркибида, турли характердаги жуда кўп ўзгаришлар содир бўлади. фонетик принципга асосан сўзлар нутқ жараёнида фонетик жиҳатдан қандай эшитилса, ҳудди шундай қилиб ёзилади. Маълумки, фонемалар мустақил маънони англатувчи сўзларни вужудга келтирувчи муҳим вазифа бажаради. Чунки фонемаларнинг асосий вазифаси ҳам сўз маъноларини фарқлаш учун хизмат қилишдир.

Шундай қилиб, ўз таркибидаги нутқ товушларининг ёзувда махсус график шакл орқали эшитилишига қараб, системага солиб борилиши фонетик принцип деб юритилади. Фонетик принципга асосан адабий талаффузда сўз қандай фонемалардан ташкил топган бўлса, бу фонемалар ёзувда тегишли ҳарфлар билан акс эттирилади. М: *жўналиш келишиги –га* шаклида қабул қилинган. Баъзан бу форма *–ка, –қа* тарзида эшитилади ваз у тарзда ёзилади (*боққа, гўдакка ва бошқалар*)

Морфологик принцип

Морфологик принципга кўра тилдаги аффикслар ёки морфемалар нутқда қандай айтилса, ёзувда ҳам шундай ёзилиши керак. Сўз ўзагига қўшилиувчи морфемаларнинг ёзувда тўлиқ ёки қисман бир система асосида акс эттирилиши ёки уларнинг вариантларидан бирининг танлаб олиб ёзилиши асосида бир хилликка эришиш морфологик принцип дейилади.

Ҳозирги ўзбек орфографиясида морфологик принцип кенг қўлланилади. М:*оғзаки нутқда –лар аффикси камида иккита (тил олди, тил орқа): эчкилар қўйлар варианты учрайди.*

Тарихий-традицион принцип

Ўзбек халқининг ёзуви тарихида кўпгина сўз ва иборалар борки, оғзаки нутқда қайтарзда талаффуз этилишидан қатъий назар, уларнинг ёзилишида маълум традицияга амал қилинади. Ҳозирги формага мос келмайдиган сўзлар, қадимдан ўзлашиб қолган сўзларда ёзилиши орфографиянинг тарихий-традицион принципини ташкил этади. *М: нудратчи, зогора, ловжуш, сабоқ, нўноқ ва бошқалар.*

Дифференциалаш принципи

Принципга асосан оғзаки нутқда ёки талаффузда бир-биридан аниқ фарқланмайдиган ёки ўзаро фарқлари деярли сезилмайдиган даражага келиб қолган сўзлар ёзувда махсус қоида билан ажратилиб ёзилади. –*лик ёки –ли* аффикси ёзувда деярли дифференци қилинмайди. *М: шаҳарлик, тошкентлик, отли, тўнли, саводли ва бошқалар.*

Этимологик ёки график принцип

Сўзларни этимологик ёки график принцип асосида ёзиш дейилганда уларни қайси халқнинг тилидан ёки графикасидан олинган бўлса, ўша қадимги этимологик ёки график ҳолатни сақлаб қолиш тушунилади. *М: сафар сўзи оғзаки нутқда сапар шаклида ёзилади.*

9-МАВЗУ: ГРАФИКА ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ.

РЕЖА:

1. Графика ҳақида маълумот.
2. Тил ва ёзувнинг ўзаро муносабати.
3. Оғзаки ва ёзма нутқ.
4. Хулоса.

Графика асли грекча «graphikos» сўзидан олинган бўлиб, тилшуносликда ёзув деган маънони англатади.

Демак, графика умуман олганда ҳарфлар ёки чизиқлар воситасида акс эттириладиган шартли белгиларнинг муайян системасидир. Тилшуносликда ёзувнинг пиктографик ёзув, идеографик ёзув ва фонографик ёзув каби турлари бор.

Ўзбек ёзуви ҳозирги ҳолга келганга қадар узоқ тарихий йўлни босиб ўтиб, жуда кўп ўзгаришларга учради.

Тил ва ёзувнинг ўзаро муносабати. Ёзувда ижтимоий талаблар асосида жамиятнинг муайян тараққиёти даврида пайдо бўлган ва унинг ривожланиши билан боғлиқ равишда мукаммаллаша борган. Ёзув тилдан кейин жамият томонидан қўлга киритилган энг катта маданий ютуқларидан бири бўлиб ҳисобланади ва тилнинг ёзувдаги формаси сифатида жамиятга хизмат қилади. Ёзув билан тил ўзаро узвий алоқададир. Шунинг учун ҳам тил билан ёзув ўртасида жуда кўп умумий томонлар мавжуд. Ёзув кўп ҳолларда тилнинг ўрнини юсади. Баъзи ҳолларда эса тилда бўлмаган имкониятлар ёзув орқали юзага чиқади. Масалан, ёзув туфайли кишилар узоқ масофадан ҳам бир-бирлари билан, ҳатто ўзларидан кейинги авлодлар билан ҳам алоқа боғлаш имкониятига эга. Бироқ, ёзувнинг тилга нисбатан ўзига хос камчиликлари ҳам бор. Биринчидан, у тилнинг тўлиқ акси эмас, балки ёзувдаги шартли ва сунъий аксидир. Шунинг учун ҳам тилнинг хизмат доирасига зид равишда ёзувнинг хизмат доираси чегаралангандир. Иккинчидан, ёзув орқали иш кўрилганда вақтдан ютқазилади. Учинчидан, ёзув махсус воситаларсиз, яъни ёзув асбобларисиз амалга ошмайди. Тўртинчидан, ёзув саводи йўқ кишилар учун, шунингдек, тегишли шароит бўлмаган тақдирда (*масалан, қоронғуда*) аҳамиятини йўқотади.

Бундан ташқари, тил жамиятнинг барча аъзоларига барабар хизмат қилганидек, жамият тараққиёти давомида ўз формасини

кескин ўзгартирмаган ҳолда ўсиб, мукаммаллашиб боради. Ёзув эса, бир томондан, тилга нисбатан кам ўзгаради, иккинчидан, у алоқа воситасининг шартли формаси сифатида ўз тусини янги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ёки жамиятнинг талабларига мувофиқ нисбатан тезроқ ёки бутунлай ўзгантириши мумкин. Қисқаси, ёзув кўп жиҳатдан тилга яқин бўлиб, баъзи ҳолларда унинг ўрнини боса олса ҳам, лекин функцияси жиҳатдан унга нисбатан анча чегаралангандир. Шунинг учун ҳам у жамиятда алоқа воситаси сифатида тил билан тенг ҳуқуқли бўла олмайди.

Тил жамият билан бир вақтда юзага келган. У жамиятнинг жамият бўлишида асосий роль ўйновчи энг муҳим омиллардан биридир. Шунга кўра тилсиз жамиятнинг бўлиши мумкин эмас. Лекин ёзувсиз жамият бўлган. Жамиятнинг келгуси тараққиётида радио ва телевизион алоқа воситалари каби ёзувдан устунроқ бўлган янги воситалар ҳам юзага келиши мумкин.

Оғзаки нутқ ёки товуш тили алоқа воситаси сифатида кишиларнинг барча эҳтиёжларини максимал даражада қондирса ҳам , ҳозирги давр техник тараққиёти нуқтаи-назаридан унинг иккита жузъий камчилиги бор: 1) у бир индивид (шахс) нинг холос; 2) оғзаки нутқ вақт ва замонда чегараланган, яъни у айтилаётган пайтдагина қабул қилинади.

Ёзувнинг асосий хусусиятларидан яна бири унинг график белги бўлиб хизмат қила олишидир. Ёзув учун график белгилар қабул қилинганга қадар кишилар ҳар хил жонли ва жонсиз предметлардан символик тарзда фойдаланар эди.(масалан, олов ёқиб хабарлашиш, тошларни ҳар хил шаклда қўйиб хабарлашиш, дарахтларни ўйиб ва уларга белги қўйиб хабарлашиш, қушла рёки итлар орқали хабарлашиш ва бошқалар)

Ёзув ўз-ўзидан пайдо бўлмай, балки маълум бир эҳтиёж ва зарурат асосида фикрни узоқ масофага етказиш ёки кейинги авлодларга қолдириш талаби билан яратилган. Шу билан бирга,товуш тилидан фарқли ўлароқ ёзувнинг ўзига хос характерли белгилари бор.

Биринчидан, ёзув мустақил ва асосий алоқа воситаси бўлаолмайди. У асосий алоқа воситаси бўлган тил учун ёрдамчи восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ёзув жамият тараққиётининг кейинги даврларида пайдо бўлган. Бунинг устига ёзув ўтмишда жамият аъзоларининг барчасига эмас, балки унинг фақат бир

қисмигагина хизмат қилар эди. Шунинг учун ҳам ёзув мустақил алоқа воситаси бўлолмайди.

Иккинчидан, ёзувнинг асосий вазифаси нутқни узоқ масофага етказиш ва кейинги даврларга қолдириш учун хизмат қилишдан иборат.

Учинчидан, кўз билан қабул қилинадиган график белгилар ёзувнинг асосий қуроли бўлиб ҳисобланади. Демак, ёзув кўз билан кўрадиган ва кишилар ўртасида ўзига хос алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган график белгилар системаси бўлиб, унинг жамиятда ўзига хос катта ўрни ва хизмати бор, яъни ёзув маълум бир масофа билан ажралган одамлар орасидаги алоқаларни яхшилашда, ёзма адабиётни ва ёзма адабий тилни юзага келтиришда, маълум бир даврда яратилган маданий-адабий ёдгорликларни кейинги даврларга етказиб беришда ниҳоят даражада муҳим роль ўйнайди.

10-МАВЗУ: ЁЗУВНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ УНИНГ ТАРИХИ

РЕЖА

1. Ёзувнинг пайдо бўлиши.
2. Жамият тарихида ёзувнинг аҳамияти.
3. Ёзув турлари ҳақида маълумот.

Ёзувнинг пайдо бўлиши, алоқанг махсус воситаси сифатида хизмат қилиши катта аҳамиятга эга бўлади. Ёзув туфайли кишилик тажрибаси авлоддан-авлодга етказилмоқда.

Ёзувнинг хабар етказиш имконияти турли масофадагидунёнинг турли нуқтасида пайдо бўлган йирик сиёсий, илмий, техникавий ва адабий воқеалар барча халқларнинг мулкига айланади.

Илмий тафаккур тараққиётида ҳам ёзувнинг роли каттадир.

Ёзув жамият тарихи, адабиёт ва санъат тарихини ўрганишда ҳам асосий манба ҳисобланади.

Бизга маълумки, тил узгарувчан ходисадир. Лекин тилда содир бўладиган ўзгаришлар секинлик билан амалга ошади. Уч-тўрт авлоддан кейин тилдаги фонетик, грамматик силжишлар кўзга ташланади. Бундай силжишлар фақат бир нарса туфайли, фақат ёзув орқали билиб олиш мумкин.

Агар ёзув бўлмаса, тилнинг эволюцияси ҳақида бизда ҳеч қандай тасаввур бўлмас эди. Фақат ёзув борлиги учунгина биз тилнинг тарихий тараққиётини кузатиш имкониятига эга бўламиз.

Ёзувнинг пайдо бўлганига кўп вақт бўлгани йўқ. М: Америка қитъийсидаги маҳаллий аҳолининг айримлари ўз ёзувига эга эмас. Революциягача Россияда яшовчи кўп халқларнинг ўз ёзувлари бўлмаган. Улар Ўрта Осиё инқилоби ғалабаси туфайлигина ўз ёзувларига эга бўлдилар.

Ёзувнинг ҳозирги кўринишлари эҳтиёж туфайли қатор изланишлар ҳамда дастлабки ёзувни узок вақт давомида такомиллаштира бориш натижасида пайдо бўлди.

Ёзув кишиларнинг ўзаро алоқи қилишларида фикр алмашишларида ўз тарихий маданий ҳаётларида ўзгаришларни авлоддан-авлодга қолдиришда муҳим аҳамият касб этади. Ёзув туфайли тажрибалари авлодларга мерос бўлиб қолди ва улар аста-

секинлик билан мураккаблашиб борди. Демакки инсоният ўз ҳаётида юз берган воқеа ҳодисаларни узоқ масофага етказиш учун турли хил предметлар ва ранглардан фойдаландиларки, бу ёзувнинг дастлабки тайёргарлик даври деб номланди.

Тайёргарлик даврида қора ранг ўлим тушунчасини, қизил ранг ўзаро тўқнашувни, оқ ранг ярашишни, яшил ранг тўқликни билдириб келган.

Ёзув тарихини ўрганиш ўша халқнинг тарихини ўрганиш демакдир. Ёзув ҳар бир халқнинг тилини ўрганишда ҳам асосий манба ҳисобланади. Ўша содда ёзувлар бўлмаганда эди, биз тилнинг эволюция ҳақидаги маълумотига эга бўлмаган бўлар эдик. Инсонлар тайёргарлик даврининг энг кейинги тугун ёзувидан кейинги пиктографик ёзувга ўтган. Бу ёзувда қадимги инсонлар баъзи воқеа-ҳодисаларни узоқ масофага етказиш учун жонли ва жонсиз нарсаларнинг расмини чизиш орқали амалга оширганлар. Жамиятнинг тараққиёти натижасида нарсаларнинг расмини чизиш анча кўп вақтни олган. Шундан кейин эдрографик ёзув пайдо бўлди. Бунда нарсаларнинг шакли чизила бошланди. Аста секинлик билан ҳар иккала ёзув маълум маънода мукаммалаша бошлади. Бу ёзувлар кейинги дарврдаги фонетик ёзувнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Понографик ёзув ҳам турли кўринишларга эга бўлган.

Халқларнинг қадимги ёзувни ўрганиш ҳам жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Ёзув туфайли Гофер, Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Фирдавсий, Низомий, Улуғбек, Навоий, Бобур, Пушкин каби буюк сиймоларнинг ажойиб фикрларидан баҳраманд бўлдик.

Жамиятда китоб, газета, журнал ва умуман матбуотнинг таълим-тарбиявий аҳамияти юксак даражага кўтарила бораётган ҳозирги пайтда ёзувнинг ёзма адабиётда тилнинг роли ҳам ўсиб, таъсир доираси камайиб бормокда.

Ўтган даволарда бошқа Шарқ халқлари билан бир қаторда аввал лотин, кейинчалик рус графикасига асосланган ёзувни қабул қилиш ўзбек халқи ҳаётида катта маданий ҳодиса бўлди. Бу ҳодиса халқимизнинг саводхонлигини оширишда, халқларни бир-бирига яқинлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Эрамиздан олдинги I-III асрларда Оромий ёзувий билан бир қаторда Юнон ёзуви ҳам пайдо бўлди. IV-VI асрларда мих ёзуви қўлланилди. V-VIII асрлар давомида туркий халқлари Урхун-

Енисей номли ёзувдан кенг фойдаланилган. Бу ёзув туркий халқларнинг энг катта маданий ёдгорликлари саналади.

VI-VII асрларда туркий халқлар ва муғулларда уйғур алфавити қўлланилган. Радловнинг айтишича бу алфавит туркий халқлар орасида кенг тарқалган.

VII-VIII асрларда Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олинади ва шундан кейин бошқа Ўрта Осиё халқи сингари ўзбек халқи ҳам араб ёзуви билан иш кўра бошлади.

Ўрта Осиёда араб ёзуви гуллаб яшнай бошлагач ўзбек маданиятининг талабларига жавоб бера олмай қолди ва натижада 1929 йилдан бошлаб ўзбек ёзуви лотинлаштирилган алфавитга кўчирилди.

Жуда қадим замонларда ташкил топган ўзбек тили ва ёзувий ўз ривожига кўп даврларни ўз бошидан ўтказди. Аммо ривожданган даври узоққа чўзилган бўлса-да, ўзбек тили кўп асрлар давомида тубдан ўзгарган эмас.

Ўрта Осиёга араб келишидан кўп бурун бу ерда анча тараққий топган Хоразм ва Суғд ёзувлари бўлган. Буни қисман Хоразм ёзувининг қадимги ёдгорликлари эрамизнинг II-III асрига оид танга пулларидаги ёзувлар тасдиқлайди.

Араб истилочилари босиб олган мамлакатларда ислом динигина эмас, ёз ёзувларини ҳам, буни Қуръон билан биргаликда «худо ваҳи қилган» деб, юқорида айтганимиздек, алоҳида бир мутахасссблик билан ўрнатганлар. Бунинг устига, араблар ҳукмронлиги вақтида бу мамлакатларда араб тили расмий китоб тили бўлган, фан ва маъданият арбоблари ўз асарлари асосан арабча ёзишга мажбур бўлганлар. Ўрта Осиёнинг энг яхши фарзандлари бу ҳолга қарши кураш олиб борган. Истилочилар, ҳокимияти бўшашиши биланоқ китобчиликда араб тилининг танҳо ҳукмронлигига қарши ҳаракат бошланган; тожик ва ўзбек адабий тиллари янада тикланиб, бу тилларда тобора кўпроқ илмий ва адабий асарлар майдонга кела бошлаган.

Ўзбек адабий тили учун курашда Алишер Навоий асосий ўрин эгаллайди, у ўзбек тилида классик асарлар яратга. Унинг «Маҳокаматул луғатайн» асар ўзбек тилининг бойлиги, гўзаллиги ва бошқа фазилатларини кўрсатиб, ўзбек тилида ҳар андай адабий асарлар яратиш мумкинлигини кўрсатиб берди. «Бу тилда ажойиб гўзал сўз ва иборалар ғоят кўпдир» дейди А.Навоий.

Араблар ҳукмронлиги даврида араб алфавити Ўрта Осиё халқларининг ёзувларини аста-секин сиқиб чиқарган. Дастлаб набатай алфавити асосида тузилган араб алфавитида 22 та ҳарф бўлган. Бу алфавит араб тили фонетикасининг ҳамма талабларига жавоб бера олмаганлигидан ўзларига хос товушларни ифода қилиш учунараблар яна 6 та ҳарф қўшиб, жами 28 тага етган. Кейинчалик эрон ва туркий тилларда гапирадиган халқлар яна тўртта ҳарф қўшиб 32 та ҳарфга етган.

Араб графикаси ўзбек ёзувида ҳеч қандай фонетик қоида бўлмаганлигидан, бу ҳарфларни ишлатишда ўзбеклар ғоят қийналарди. Бир-бирига ўхшаш ҳарфларнинг қайси ўринларда қандай ишлатиш лозимлигини билиш учун жуда кўп сўзларнинг ёзилишини ёдлаб олиш керак бўлади.

11-МАВЗУ: ФОНЕТИК ЎЗГАРИШЛАР.

РЕЖА:

1. Комбинатор ва позицион ўзгаришлар ҳақида маълумот.
2. Ассимиляция ва десимиляция ҳодисаларининг бир-биридан фарқи.
3. Методеза, протеза, редукция ва бошқа ўзгаришлар ҳақида маълумот.

Нутқ жараёнида товушлар турли хил ўзгаришларга учрайди, баъзилари қисқа айтилади, айримлари эса иккинчиси томонидан мослаштирилади, айримлари тушиб қолиши ёки янги товуш ҳосил қилиши ҳоллари учрайди. Бундай ўзгаришлар нутқнинг комбинатор ёки позицион ўзгаришлари дейилади. Бундай фонетик ҳодисалар қаторига ассимиляция, десимиляция, протеза, методеза, редукция, анакопа, синкопа ва шу каби ҳодисалар киради. Буларнинг ҳар бирини ўзига хос кўринишлари, моҳияти, келиб чиқиш сабаблари турличадир. Бундай ҳодисаларнинг содир бўлишига нутқда ихчамликка эришиш, шошилиб талаффуз қилишда содир бўлиши, бошқа тиллардан ўтган сўзларни талаффуз қилишдаги ўнғайсизликлар сабаб бўлади. Булар орасида туркий тилларга хос бўлган сингарманизм ҳодисаси алоҳида ўрин эгаллайди. Сингарманизмнинг 2 тури мавжуд: 1) танглай гармонияси; 2) лаб гармонияси. Танглай гармонияси сингарманизмнинг асосий тури ҳисобланиб, унда унлилар юмшоқ ва қаттиқ, тил олди ёки тил орқа жиҳатида бир-бирига мослашади. Масалан: борамиз, қишлоғимиз, ўртоғимиз. Лаб гармониясида унлиларнинг мос келиши икки томонлама акс этади. Бунда унлилар ҳам тил олдилик, тил орқалик ва лабланиш нуктаи-назаридан мослашади. Сингарманизм ҳодисаси фақат унлиларга хос бўлган ҳодиса ҳисобланиб, ундошларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Нутқ товушлари қатор келганда баъзан бир-бирига таъсир қилиб бири иккинчисини ўзига мослаштиради. Нутқдаги бундай ҳодиса ассимиляция ҳодисаси дейилади. Ассимиляция ҳодисаси 2 хил бўлади:

1. Прогрессив ассимиляция
2. Регрессив ассимиляция

Агар олдинги товуш кейинги товушни ўзига мослаштира, прогрессив ассимиляция дейилади. Масалан: кетди, айтди

кабилар. Кейинги товуш олдинги товушга нисбатан таъсир қилиб, уни ўзига ўхшатса ёки мослаштира, регрессив ассимиляция ҳодисаси дейилади. Масалан: йигитча, ёзсин, тузсиз кабилар.

Айрим пайтларда талаффузда 2 ўхшаш товуш бир жойда ёки бир сўзда келган вақтда улардан бири ноўхшаш товушга айланиб қолади. Бундай ҳодиса дессемиляция ҳодисаси дейилади. Дессемиляция ҳодисаси ҳам регрессив ва прогрессив дессемиляцияга ажратилади. Кейинги товуш ноўхшаш товушга айланса прогрессив дессемиляция дейилади. **Масалан: зарар-залар, биронта-бирорта** кабилар. Олдинги товуш ўзгарса, регрессив дессемиляция дейилади. **Масалан: калидор-каридор.**

Оғзаки нутқда баъзан ёнма-ён келган ундош товушларнинг ўрни алмашиши методиза ҳодисаси дейилади. **Масалан: дарё-дайро.** Сўз бошида битта унлининг орттирилиши протеза ҳодисаси дейилади. **Масалан: стол-устол.**

Айрим ўринда сирғалувчи ва портловчи икки ундош товуш сўз бошида келганда **и** унлиси орттирилади. **Масалан: стакан-истакан.** Сўз бошида, ўртасида, охирида 2 ундош қатор келганда уларда **и, у** товуши баъзан **а** товуши ҳам орттирилади. Бундай ҳодиса эпитеза ҳодисаси дейилади. Масалан: фигр-фигир, банк-банка, расм-расим. **Прокопа ҳодисаси** сўз бошида баъзан унли ёки ундош товушнинг тушиб қолиши ҳодисасидир. **Масалан: ҳалиги-алиги, йирик-ирик.** **Синкопа ҳодисаси**да асосан сўз ўртасидаги ва охиридаги кенг унлилар тор унлиларга ўхшаб талаффуз қилинади ва айрим ўринларда тушиб қолдирилади. Масалан: дериктор-деринтир, трактор-трактир. **Анакопа ҳодисаси** сўз ўзагидаги охирги унли ва ундошнинг тушиш ҳодисасидир. **Масалан: гўшт-гўш, дўст-дўс, хурсанд-хурсан** кабилар. Сенеризис ҳодисасига кўра сўз ўртасида бир жойда келган икки унлининг бири кучсизланади ва нутқда тушиб қолади. **Масалан: саодат-содат, жамоат-жамот.** Бу ҳодиса соф ўзбек тилида учрамайди. Форсий, арбий сўзларда учрайди.

Редукция сўз бир бўғинида бирор унлининг аниқроғи тор унлининг кучсизланиб талаффуз қилинишидир. **Масалан: бироқ, билан.**

Элизия ҳодисаси унли билан тугайдиган ва унли билан бошланадиган 2 сўзнинг қўшилиши натижасида унли товушдан бирининг тушиб қолиш ҳодисасидир. **Масалан: ёза олади-ёзолади, бораркан-борар экан** кабиларда кўриш мумкин.

Эпитеза ҳодисаси эса сўз охирида бир ўринда келган икки ундошдан сўнг **а** товушининг қўлланилиш ҳодисаси. **Масалан: танк-танка, диск-диска** каби бир қанча сўзларда кўриш мумкин.

12-МАВЗУ: ОРФОЭПИЯ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ.

РЕЖА:

1. Орфоэпия ҳақида тушунча.
2. Ўзбек орфоэпиyasининг нормалари ҳақида.
3. Айрим унли ва ундош товушларнинг талаффуз нормаларини ўрганилиши.

Орфоэпия юнонча сўздан олинган бўлиб, тўғри талаффуз деган маънони билдиради. Орфоэпия адабий тилнинг талаффузини ўрганиш ёки сўзларин адабий тил нормалари асосида талаффуз қилиш ҳақидаги фандир. Бу унинг фонетика, орфография, нутқ маданияти каби бўлимлар билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Кейинги пайтларда бошқа жабҳалар сингари фан ва техниканинг ривожланиши натижасида кишиларда адабий тилдан тўғри фойдаланишга ва нутқ маданиятини оширишга қизиқиш кўпаймоқда. Бизга маълумки, нутқнинг 2 хил формаси *ёзма ва оғзаки формаси* мавжуд. Нутқнинг ёзма формасида ёзма нутқнинг ўзига хос қоида ва қонунлари асосида фаннинг орфографик бўлими ўрганади. Оғзаки нутқнинг қоида ва қонунларини эса орфоэпия ўрганади. Демак, бу бўлимда, орфоэпияда сўзларин тўғри талаффуз қилиш, тўғри гапириш нормаларини белгилайди. Бизга маълумки, мактаб, турли типдаги ўқув юртлари, мактабгача тарбия воситалари, телевидения, радио, театр ва бошқа шу каби оммавий, маданий тарбия воситалари ёрдамида нутқ маданияти ҳам ривожланиб бормоқда. Шулар асосида тилимизда янгича талаффузлар зам юзага келмоқда. Орфоэпиянинг юзага келишида 2 та омил муҳим роль ўйнайди. Булардан бири орфография, иккинчиси халқ оғзаки ижодининг турли хил кўриниши ва турли шева талаффузларидир. Аммо орфоэпиянинг шаклланишида биринчи омилнинг ўрни каттадир. Ўзбек халқ шеваларининг кўпчилиги адабий тил нормаларидан кескин фарқ қилади, уларнинг талаффузлари ҳам адабий талаффуз нормаларига мос келмайди. Аммо бу шевалар ягона бир умумхалқ тилининг қўйи формасида умумийликка эгадир. Шунинг учун ҳам ўзбек тилининг оғзаки талаффузида умумийлик мавжуддир. Улар бевосита жамланиб тартибга солинса, ўзбек адабий тилининг орфоэпия нормаларини

белгиловчи қоида яратиш мумкин. Шунинг учун ҳам орфоэпияда оғзаки нутқ талаффузлари ўзига хос ўрин эгаллайди. Талаффузни белгилашда товушларнинг тўғри айтилиши аҳамиятлидир. Ўзбек тили орфоэпиясининг нормаларини белгилашда фонетиканинг айрим товушлар талаффузи қонуниятларининг ўрни каттадир. Мана шундай қонун ва қоидалар асосида айрим товушларнинг талаффузлари қуйидагича белгиланади: 1) б ундоши билан тугайдиган сўзларда: китоб, ҳисоб, мактаб сўзларида деярли барча шеваларда п тарзида талаффуз қилинади. Аммо бу сўзларнинг охирига эгалик қўшимчалари қўшилганда яна б тарзида талаффуз қилинади. 2) Оғзаки нутқда ва барча шеваларда учта сўзи ушта шаклида, уч сўм сўзи ўссўм шаклида талаффуз қилинади. Аммо бундай талаффуз қилиниши адабий орфоэпиянинг умумий нормасидан чекиниш деган гап эмас. 3) Самарқанд, хўрсанд, баланд, гўшт каби сўзларда охиридаги д товушининг жарангсиз т тарзида талаффуз қилиниши айрим сўзлардаги д ёки т товушининг бутунлай тушиб қолиш ҳолати ихчамлиликка интилиш нуқтаи-назаридан адабий тил нормаларига унинг табиатини ҳисобга олган ҳолда орфоэпия нормаларига мос келадиган ҳолат деб қараш мумкин. 4) Оғзаки нутқда бўлса, келса, бўлган, келган каби сўзлар талаффузида и товушининг кўпинча тушиб қолиши ҳамда опти, бўпти каби сўзларнинг ҳам оғзаки нутқдаги талаффузи адабий орфоэпия нормаларига айланиб кетган. 5) Чироқ, оёқ, яноқ типдаги сўзларнинг охиридаги қ товушини ғ тарзида талаффуз қилиш тилимиздаги шу сўзларнинг асли ҳолига тўғри келгандек бўлади. 6) Ҳозирги ёзувимизда бир хил ёзилувчи айрим сўзлар ҳам учрайдики, уларнинг оғзаки талаффузи фарқ қилади. 7) И товуши тилак, дил, тил каби сўзлар талаффузида қисқа ҳолатда сиёсий, илмий, лирика каби сўзларда эса чўзиқ тарзда, ғир, қир, ғилоф каби сўзларда чуқур тил орқа ундошлари қ, ғ, х товушлари билан ёнма-ён келганлиги учун қаттиқ товушлар таъсирида йўғонроқ талаффуз қилиниш ҳолатлари кўзга ташланади. Ковун, совун, товук сўзларидаги у товуши олдинги бўғиндаги о нинг таъсирида у товуши қисқароқ в билан ёнма-ён кўлганлиги учун бошқачароқ талаффуз қилинади.

Орфоэпия лексик урғу билан ҳам зич боғлангандир. Тўғри урғу билан айтилган сўз нормал талаффузга эга бўлади.

Интернационал сўзларнинг талаффузи

Ўзбек тилига рус орқали кирган сўзларнинг деярли ҳаммаси аслида қандай қўлланган бўлса, адабий тилда ҳам худди шундай қўлланади. Шунга кўра улар оғзаки адабий нутқда ҳам асосан аслига мос равишда талаффуз қилинади. Бунга **фабрика** сўзининг **набрика** эмас, асл ҳолича **фабрика** тарзида талаффуз этилиши мисол бўла олади.

Айрим сўзларни талаффуз этишда баъзи истисноларга йўл қўйилади. Масалан, ўзбек тилидаги **ск** типдаги икки ундошнинг қатор келмаслиги назарда тутилиб рус тилидан кирган **отпуск**, **киоска**, **пропуск** каби сўзларни охирига битта а қўшиб отпуска, киоска, пропуска тарзида талаффуз қилиш орфоэпик қоида тусига кириб қолган.

Ўзбек тилида сўз охирида ёки сўз ўртасида э унлисининг қўлланмаслиги туфайли, рус тилидан ўзлашган **правления**, **телевидение**, **эсилон** сингари сўзларни оғзаки нутқда **правления**, **телевидиня**, **эсиалон** тарзида талаффуз қилиш мумкин ва бу ҳол орфоэпия нормасидан чекиниши бўлмайди. Шунингдек, рус тилидан кирган актив сўзини актив, автомобиль сўзини автомобиль тарзида фамилияларнинг охирида –ов аффиксини –ўф тарзида Хотин-қизларнинг фамилияларидани –в ни эса лаб-лаб в тарзида у унлисига яқин талаффуз қилиш ҳам орфоэпия нормасидан чекиниш деб ҳисобланмайди.

13-МАВЗУ: АЙРИМ ТОВУШЛАР ОРФОЭПИЯСИ

Орфоэпия адабий талаффуз қоидаларининг тўпламидир.

Адабий тилда тўғри ёзиш қанчалик аҳамиятли бўлса, тўғри талаффуз ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Талаффузни нормаллаштириш радио эшиттириш, театр, АйниқСА ўқув юртларидаги ўқиш-ўқитиш ишларини ва умуман маданиятини тараққий қилдириш учун жуда ҳам зарурдир.

Орфоэпик миллий тил учун ягона талаффуз нормалари бўлишини талаб қилади. Бу нормалар тилнинг товушлар системаси асосида яратилади, яъни товушлар состави, уларнинг турли комбинатор ва позицион ўзгаришларини ҳисобга олиб, ҳар бир ҳолда талаффузнинг қандай бўлиши лозимлиги белгиланади. Бунда мавжуд талаффуз вариантларидан адабий тил традицияларига, тилнинг тараққиёт тенденциясига мос келадиганлари танлаб олинади. Масалан, тубандаги сўзлар шевалараро ака-ока-ако, бала-бола, меҳмон-михмон, миймон, давлат-довлат, баҳор, боҳор, муҳим-муҳум, Усмон-Ўсмон-Исмон, борамиз-боровуз, -боровуза, бордик-бордув, бордимиз, учав-учов-уччов, шунинг учун-шуний чун, ўн икки-ўнаки-ўн эки каби талаффуз қилинса ҳам аввалдан давом этиб келган анъанага ва ўзбек тилининг тараққиёт қонунига кўра адабий тилда ака, бола, меҳмон, давлат, баҳор, муҳим, Усмон, борамиз, бордик, учов, шунинг учун, ўн икки деб талаффуз қилинади.

Орфоэпия орфография билан зич боғланган. Бироқ жонли талаффуз ҳаммавақт ёзувга тенг бўлавермайди. Бу ҳол урғу билан товушларнинг ўзаро таъсири билан, товушнинг сўздаги ўрни билан боғлиқ бўлади. **Масалан: сўз охиридаги д жарангсиз (т) айтилади: обот (обод), вокзал экзамен** сўзларидаги **к** ундоши жарангли **з** олдида жаранглашади. (**вокзал, экзамен**). Бу икки сўздаги урғусиз **о** унлиси **а** каби, **е** унлиси **э**га тор унли товуш **к** каби талаффуз этилади ва ҳоказо. Аксинча ЗАГС сўзидаги **к** каби (ЗАКС) талаффуз этилади ва бошқалар.

и унлиси

- 1) бир, битта, чит, абжир, айрим, чигит, сигир, тик, билан, билиб, бир каби сўзларда қисқа айтилади;
- 2) чуқур тил ундошлари қ, ғ, х, дан кейин келганда и (русча ў товушига мойил) тил орқа товуш каби айтилади: қиз, қизғиш, оғиз, қирғиз, тўққиз, хиром, хидир, ахир, бағир;

- 3) илм, тир, муҳит, аҳил, лалми, кузги, қиш, кечки, ички, шоир, Турди, литр, лирика, силос каби сўзларда чўзиқроқ айтилади й товушидан олдин келган и одатда нормал ҳолатдан чўзиқроқ айтилади: бийрон, сийрак, тийин (би:рон, си:рак, ти:й); Навоий, Муқимий, илмий, ижодий, тарбиявий (айтилиши Навои: Муқими: ижоди: илмий:, тарбияви:

у унлиси

- 1) уч, куч, учун, бутун, турмуш, учкун, усул, тутун, тугун, бугун каби сўзларда қисқа айтилади.
- 2) сурат, уйғун, уйғур, урғу, ўқув, ёзув, тушь, куб, каммуна (ёзилиши коммуна) каби сўзларда чўзиқроқ айтилади.
- 3) русча-интернационал сўзларда у унлисининг тил олди юмшоқ варианты талаффуз қилинади: кастум, буро, сужет, буллитень, лукс (ёзилиши: костюм, бюро, сюжет, бюллитен, люкс)

ў унлиси

(ўрта кенг лабланган унли товуш): ўн, ўт, ўк, ўй каби бир бўғинли сўзларда, ўтин, ўрин, бўлим, қўйин, кўнгил, ўқувчи, тўқимачилик каби кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинларида ҳамда бойўғли, Гўрўғли, сўфитўрғай каби қўшма сўзларнинг иккинчи ва учинчи бўғинларида келади.

Айрим шеваларда у билан ў товушлари баъзан аралаштирилади: уй ўрнида ўй (турар жой), аксинча, бўғин ўрнида буғин, бўғмоқ ўрнида буғмоқ талаффуз қилинади.

Русча-интернационал сўзлар асосан рус адабий тилининг имлоси ва адабий талаффузига мувофиқ ишлатилади. Шунга кўра ром, том, роль, ток каби бир бўғинли сўзларда ва колхоз, совхоз, обком, слёт каби сўзларнинг иккинчи бўғинларида ў унлисини ишлатиш (рўл, тўм, тўк, колхўз, обкўм, слўт деб айтиш), завод ўрнида завўт; сумка, суд ўрнида сўмка, сўд деб талаффуз қилиш ҳозирги адабий талаффузга хилоф саналади.

э (е) унлиси:

э(е) унлиси жонли тилда, умуман талаффузда, кўпинча и билан алмаштирилади. Масалан: феруз ўрнида фируз, деҳқон ўрнида диҳқон, газета ўрнида газита, элетр ўрнида иликтир каби ишлатилади. Аксинча, и ўрнида э(е) ишлатиш ҳодисаси ҳам бор. Масалан: мих, тиғ, хил ўрнида мех, теғ, хел деб айтиш ва ёэиш

ҳолати бор.Бу адабий талаффуз нормасига кirmaйди. Лекин русча-интернационал сўзлардаги урғусиз е(э) товуши кучсизланиб и га мойил (тилифон, тилиграф, адрис, тиливизор каби) айтилади (ёзилиши: телефон, телеграф, адрес, телевизор ва ҳакозо).

Эслатма: е ҳарфи ундош товушдан кейин келганда э ҳарфининг вазифасини бажаради (русча сўзларда эса е ўзидан олдинги ундошнинг юмшоқлигини ҳам кўрсатади,бола сўзидаги б каттиқ, блок сўзидаги б юмшоқ).

о унлиси (тил орқа кенг ва лабланган унли товуш):

от, оқ, ош, ол каби бир бўғинли сўзларда, бола, қора, ота, тоға, ора, ола каби сўзларнинг биринчи бўғинида: анор, баҳор, баён (байон), қарор, даво, бало, камол, шамол, жамол, асос каби сўзларнинг иккинчи бўғинида: омон, томон, қозон, сомон, соқол, ошқозон, оломон, олтовлон каби сўзларнинг ҳамма бўғинларида келади. Русча-интернационал сўзларда урғули бўғиндаги о унлиси тил орқа, ўрта, лабланган товуш тарзида айтилади; урғули бўғин олдидаги о унлиси эса кўпинча а каби, кейингиси эса и товушига мойил айтилади.Масалан:

Айтилиши: область, очерк, том, совет, калхос, сафхос, вадаправот, камсамол, директор, редактор.

Ёзилиши: область, очерк, том, совет, колхоз, совхоз, водопровод, комсомол, директор, редактор.

а унлиси :

1) кам, чанг, ака, ганч, аёл, така, гала, азамат, байрам, дабдаба, етарли, ёйма, жавобгар, иззат, нафосат, олам, каптар, мажол, пайкал, калава, пакана, кап-катта, мастава, чакана ваш у каби сўзларда юмшоқ айтилади.

2) қад, қалам, қалб, ғарб, ғалла, ғалаба, хабар, халта, хархаша, халқ, хата рва шу каби сўзларда чуқур тил орқа қ, ғ, х ундошларидан кейин қаттиқроқ айтилади:..хат, қабул, кадрдон,қайла, қаймоқ, қапқон, ғарам, ғазал.

3) русча-интернационал сўзларда қаттиқ ундошдан кейин келган а унлиси қаттиқ талаффуз қилинади: зал, май, март, парта, папка, карта, лампа, машина, бригада, журнал, депутат каби; юмшоқ ундошдан кейин келган а унлиси юмшоқ талаффуз этилади: сентябрь, атрат (ёзилиши сентябрь, отряд).

Эслатма: русча-интернационал сўзлардаги а товушини о билан алмаштириб (зол, мой, морт, мошина, попка, депутат, журнал каби) айтиш хато.

- 4) баъзи арабча сўзларда а унлиси бирмунча чўзиқ талаффуз қилинади: раъно, маъно, аъло, лаъл ва шу кабилар. Бундай сўзларда а товушини чўзиқ айтмаслик баъзан маънога ҳалал етказиши мумкин. Масалан: даъво (айтилиши: да:во)- даво, таъна (айтилиши: та:на)- тана сўзлари айтилишда а товушининг чўзиқ ва нормал талаффузи билан фарқланади.
- 5) сўзларнинг биринчи бўғинида келган а унлиси кўпгина сўзларда а//о тарзида (ам а ҳам о) қўлланилаверади: Қиёсланг: ҳавас-ҳавас//ҳовос, ҳавойи-ҳавойи//ҳовойи, тавба-тавба//товба, равон-равон//ровон, савол-савол//совол, пешана-пешана//пешона, аввал-аввал//оввол, давра-давра//довра, гавда-гавда//говда.
- 6) баъзи бир сўзлар таркибидаги а унлиси и тарзида айтилади: чиён (чаён), чигил (чигал).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тили-М.Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов.
2. Ўзбек тили-Р.Икромов, А.Азизова, Д.Мухаммедова.

14-МАВЗУ: ТРАНСКРИПЦИЯ.

РЕЖА:

- 1.Транскрипция сўзининг маъно муносабатлари.
- 2.Диакритик белги ҳақида қисқача маълумот.
- 3.Фонематик транскрипция ҳақида маълумот.
- 4.Хулоса.

Транскрипция-лотинча сўз бўлиб, қайта ёзиш демакдир. Транскрипция сўзи икки хил маънода ишлатилади: кенг маънода атоқли, географик, тарихий ва бошқа номларнинг маълум бир қоида асосида берилишини; тор маънода эса маълум тил ва унинг шеваларига оид сўзларнинг ёки чет тилига оид сўзларнинг талаффузига кўра айнан ёзиб олишни англатади.

Демак, нутқ товушларини аниқ ифодалаш учун ишлатиладиган ёзув транскрипция дейилади.

Транскрипция ўзига хос хусусиятлари билан орфография ва унинг асосларидан фарқ қилади. Биринчидан, транскрипциянинг асосий принципига кўра сўзлар қандай эшитилса, шундай ёзиб олинади. Иккинчидан, орфографияда одатда бир товуш бир ҳарф билан ифодаланса ҳам, аммо баъзи бир товуш икки ҳарф билан ёки, аксинча икки товуш битта ҳарф билан берилиши мумкин. Транскрипцияда эса ҳамма вақт бир товуш бир ҳарф (белги) билан берилади.

Транскрипцион белгилар одатда маълум ўзгаришлар киритиш орқали традицион алфавитлар асосида тузилади (лотин, рус, ўзбек каби). Аммо уларга қўшимча белгилар ҳам қўшилади. Шунинг учун ҳам транскрипцион белгилар сони асос қилиб олинган алфавитдаги ҳарфлар сонидан кўп бўлади. Учинчидан, асосий белгилардан ташқари диакритик белгилар ҳам ишлатилади.

Асосий белгига қўшилган қўшимча белги диакритик белги дейилади. Масалан: тил олди ў (о*) ни тил орқа ў (о) дан фарқлаш учун асосий белгининг устига икки нукта қўйилади. Тўртинчидан, транскрипцияда орфографияда қабул қилинган баён аломатлари, нукталар кўпинча бошқа маънода қўлланилади. Масалан: баҳор сўзи транскрипцияда ба:ор деб ёзилади.

Транскрипция бир неча турларга: фонетик, фонологик яъни фонематик транскрипцияларга бўлинади. Булар ичида энг аниғи фонетик транскрипция бўлиб, у асосан диалектологик ишларда

қўлланилади. Унинг вазифаси тилдаги товушларни мумкин қадар тўлиқ ва барча нозикликлари билан ифодалашдир. Фақат фонемаларнигина ҳисобга олиш учун ишлатиладиган транскрипция фонематик (ёки фонологик) транскрипция дейилади.

Унлилар учун а (а)-тил олди, лабланмаган, кенг унли (араб. орф. а) ўзбек адабий тилининг ҳамма шеваларида учрайди. Адабий тилимиздаги энэ, мэнэ, кэллэ, лэйлэк каби сўзлардаги а ни ифодалаш учун қўлланади.

-тил орқа лабланган, кенг унли. Асосан ўзбек тилининг Самарқанд, Бухоро, Қарши шаҳар типидagi шеваларда учрашдиган o товуштини ифодалаш учун қўлланилади

э – тил олди, лаблaшмаган, ўрта кенг унли (ад.орф. э (е). Ўзбек тилининг ҳамма шеваларида учрайди. Кэл, Кэт, эчки, кэч ва бошқалар

о – тил олди, лаблaшган, ўрта кенг унли (ад. т.ў.). Ўзбек тилининг ҳамма шеваларида учрайди. Ордэк, ол, Октам, коклэм ва бошқалар.

У- тил олди, лаблaшган, тор унли (ад.т.у.) Ўзбек тилининг ҳамма шеваларида учрайди: кул, гул ва бошқалар.

Транскрипцияда шартли белгилар ҳам ишлатилади. Бундан мақсад ёзиб олинаётган материални мумкин қадар аниқ қилиб беришдир. Масалан: қ - бу белги таржима билан оригиналнинг ёки асосий текст билан коментариянинг орасида қўйилади. Унинг ўрнида (-) ишлатилиши ҳам мумкин.

> - бир сўз ёки формани бошқасига ўтиши. М: дурур>турур

<- бирор сўз ёки форманинг қайси сўз ёки формадан келб чиққанлигини кўрсатади.

: - унли товушнинг қўйиладиган чўзиқ талаффуз. М: ша:р (шаҳар), бар (баҳор) ва бошқалар.

- мосликни алмашишни кўрсатади: қўлла қўлда

и – товушни кучсизланишини кўрсатади, қўлда
масалан: билэк, тилэк

-умумий текстдан ажратилган транскрипция қилинган

сўзларни кўрсатади.